# НЕФТЬ-ГАЗ ЛОЙИҲАЛАРИДА АЛОҲИДА ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ САБАБЛАРИ ВА АМАЛИЙ ЗАРУРИЯТИ

**Мансуров Обид Зайнидинович**

***Аннотация:*** *Ушбу тезисда нефть-газ лойиҳалари учун алоҳида солиқ ҳисоботи тизими жорий этилишининг ҳуқуқий асослари ва амалий зарурияти таҳлил қилинади. Умумий солиқ тизими ва МТБ ҳисобот тизими қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг фарқли жиҳатлари аниқланган. Шунингдек, амалиётдаги ҳисобот шакллари («Қандим», «Хаузак ва Шоди», «Қўнғирот» мисолида) таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *алоҳида ҳисобот тизими, компенсация маҳсулоти, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (роялти), йирик солиқ тўловчилар, мониторинг.*

**Кириш:** Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасида битимнинг мажбурий шартлари қаторига «ҳисоб-китоб юритиш ва ҳисобот бериш тартиби» ҳамда «солиқ солиш ва бошқа тўловлар тўлаш шартлари» киритилган. Бу норма МТБ учун алоҳида ҳисобот тизимини белгилашнинг қонуний асосидир. Шунингдек, Қонуннинг 21-моддасида инвесторнинг молия-хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш ҳар бир алоҳида МТБ бўйича алоҳида олиб борилиши белгиланган.

**Асосий қисм:** Умумий тизимдаги корхоналар учун стандартлаштирилган ва унификациялашган ҳисобот шакллари белгиланган бўлиб, улар солиқ инспекциясига электрон шаклда топширилади. МТБ лойиҳалари учун эса Адлия вазирлигида 3221-6-сон қарор билан рўйхатга олинган махсус ҳисобот шакллари жорий этилган

бўлиб, улар Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясига, Ваколатли органга ва Инвесторларга топширилади.

МТБ учун алоҳида ҳисобот тизими жорий этилишининг асосий сабаблари:

1. Қонуннинг 3-моддаси бевосита алоҳида тартибга йўл қўяди;
2. МТБ да солиқлар маҳсулот улушларида ҳисобланади (роялти, компенсация, фойда улуши). Бу механизмлар умумий солиқ ҳисоботи шаклларида акс эттирилиши мураккаб;
3. МТБ ҳисоботи ҳам давлат, ҳам инвестор учун керакли маълумотларни бериши шарт;
4. МТБ лойиҳалари йирик инвестициялар (миллиардлаб доллар), узоқ муддатли (20-30 йил), юқори хавфли ва стратегик аҳамиятга эга;
5. Халқаро инвесторлар (Petronas, ЛУКОЙЛ, BP) учун халқаро стандартлар (IFRS) асосида ҳисобот юритиш, конфиденциалликни сақлаш ва шаффофлик муҳим;
6. Ҳар бир МТБ лойиҳаси индивидуал шартларга эга.

Ўзбекистон амалиётида МТБ доирасида фойда солиғини ҳисоблаш учун махсус ҳисобот шакллари жорий этилган. Қандим кон гуруҳи, Хаузак ва Шоди ҳамда Қўнғирот участкаларининг МТБ доирасида фойда солиғи ҳисоб-китобида солиқ базаси махсус формула орқали аниқланади. Ушбу ҳисоб-китобда компенсация маҳсулотлари ва давлат улуши каби МТБга хос элементлар акс эттирилади.

**Хулоса:** МТБ учун алоҳида солиқ ҳисоботи тизими жорий этилиши объектив зарурият бўлиб, унинг ҳуқуқий асоси Қонуннинг 3-моддасидир. Ушбу тизимнинг жорий этилишининг асосий сабаблари: МТБ солиқ механизми умумий тизимдан тубдан фарқ қилади; ҳисобот ҳам давлат, ҳам инвестор учун керакли маълумотларни бериши шарт; МТБ

лойиҳалари йирик, мураккаб ва стратегик аҳамиятга эга; ҳар бир МТБ лойиҳаси ўзига хос индивидуал шартларга эга.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонуни. 2001 йил 7 декабрь, ЎРҚ-312-II.

2. Адлия вазирлигида 3221-6-сон қарор билан рўйхатга олинган МТБ лойиҳалари учун махсус ҳисобот шакллари. – URL: https://lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда 3172-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги Низом»